1990 йилда ташкил этилган "Ночлежка" ҳайрия нотижорат ташкилоти Очиқ эшиклар кунида жамоат ташкилотлари ва шу жумладан ўзининг фаолияти ҳақида маъруза тайёрлади, уларда РФда ҳуқуқдан фойдаланиш, молиялаштириш ва уйсизларни ҳар кун бепул овқатлантирадиган "Исиниш пунктлари" ва "Тунги автобус" каби алоҳида лойиҳалар ҳақида гапирилди. Ташкилот бу "очиқ эшиклар" кунида ҳар доимги редижимда ишлади, шунинг учун Консультация хизмати ва офис фаолияти билан истаган киши танишиши мумкин эди, ҳамда ходимлар бошпананинг ишлари ва бошқа лойиҳалари ҳақида гапириб берди. Петербург уйсизларининг орасида тахминан 7-8 фоизи Ўрта Осиёлик муҳожирлардир. Йил сайин бу фоиз ортиб бормоқда.

"Биз бизнинг ишимизга қизиқиш билдирганларга, уйсизлик ва одамларга ёрдам беришни ташкил этишнинг янги фикрлари билан бефарқ бўлмаганларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Биз истовчилар учун ҳар куни очиқмиз ва ташкилотимиз фаолияти ҳақида батафсил гапириб бериш учун ҳар доим тайёрмиз", - дейди СПб БОО "Ночлежка" директори Григорий Свердлин.

Фото: РОО "Дети Петербурга"

"Ночлежка"да очиқ эшиклар куни шаҳар ННТлари очиқ эшиклари ҳафталиги доирасида бўлиб ўтмоқда. Тадбир "Қарорларни қабул қилишда фуқаролик иштироки ва ННТларни тизимли қўллаб-қувватлаш" нодавлат ташкилотлари коалицияси томонидан ташкил этилди.

Ҳар йилги акциянинг мақсади – фуқароларга ННТлар фаолияти билан танишиш имконини бериш, ҳайрия қилувчилар билан ишлаш тизимини ўрганиш, ҳайрия бўйича ҳисоботларни тайёрлаш амалиёти, мурожаат этувчилар билан амалий ишлаб кўриш имконияти, волонтёр бўлишдир.

Муҳожирлар нега кўпроқ ҳисобга тура бошлади, лекин барибир келиш жойи бўйича рўйхатга қўйилмаяпти

6 июнь куни Санкт-Петербург Миллатлар уйида миллатлараро муносабатлар ва миграция сиёсати ва уларнинг ОАВларда акс эттирилиши масалалари бўйича давра суҳбати бўлиб ўтди. У Миллатлар уйи, Санкт-Петербургда миллатлараро муносабатлар ва миграция сиёсатининг қўлланилиши бўйича Қўмита, босма нашрлар ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар Қўмитаси ташаббуси ва ташкилотчилигида бўлиб ўтди. Давра суҳбати "ОАВ объективида кўпмиллатли Санкт-Петербург. Миллатлараро муносабатлар ва миграция сиёсати. Терроризм ва экстремизмнинг пайдо бўлишига ахборот воситалари орқали қарши кураш" мавзусида ўтди.

Мажлис иштирокчилари орасида Қонунчилик, ҳуқуқий тартиб ва хавфсизлик қўмитаси; Санкт-Петербург прокуратураси; Россия Федерация Тергов қўмитасининг Санкт-Петербург шаҳри бўйича Бош тергов бошқармаси; Шимоли-Ғарбий федерал округи бўйича Роскомнадзор Бошқармаси, Петербург бўйича Федерал миграция хизмати бошқармаси вакиллари иштирок этди.

Биз СПб ва Лен области бўйича ФМХБ бошлиғи Елена Дунаеванинг маърузасидан асосий фикрларни чоп этмоқдамиз. Маъруза 2013-2014 йиллардаги миграция оқимининг ўзгаришларига бағишланган. Е. Дунаеванинг сўзларига кўра, ўзгаришлар миграция қонунчилигидаги ўзгартиришлар билан боғлиқдир.

2013 йилда муҳожирларнинг СПбга келиши кўпаймади, аксига, сезиларли бўлмасада камайган, яъни 0,1%. Авиаташувчилар ҳам бу фактни тасдиқлайди: уларда муҳожирларнинг йўловчи оқими 15%га камайган;

2013 йил мобайнида 2012 йилга нисбатан 14,5% кўп муҳожир миграция ҳисобига қўйилган, бу эса чет эл фуқароларининг қонунга амал қилишининг ортиши демакдир;

Ўтган йилдан бошлаб РФ ҳудудида бўлиб туриш қоидасини бузганларга Россияга кириш ёпилмоқда; кириш нафақат "миграция қонунлари"ни бузганларга, ҳаттоки 2 та иситалган маъмурий қонунбузарликда ҳам ёпилмоқда;

ФМХнинг 2014 йилнинг 4 ойидаги фаолияти мобайнида 800 мингга яқин одамга кириш ёпилган ва 5000 киши бадарға қилинган;

Келиш қонунини бузган фуқароларга кириш 3 йилга ёпилади;

2014 йилнинг 4 ойи мобайнида 28,7% муҳожирлар келиш мақсадини "ишлаш" деб кўрсатган, 18%и "хаиматга алоқадор виза" расмийлаштирган. Таққослаш учун: ўтган йилларда (12 ой учун) бундайлар 14-15 фоизни ташкил этган. 100 мингта меҳнат рухсатномаси, 40 мингта патент ва 186 мингта тиббий суғурта полислари расмийлаштирилган;

Пулково-1 да миграция назорати зонасининг бир ярим ойлик фаолияти мобайнида аввал қонун бузган бўлса ҳам ўз паспортларини алмаштириб, РФга қайтиб келган 22 киши бармоқ изларига кўра бадарға қилинган;

Е.Дунаеванинг сўзларига кўра, энг катта муамммо, муҳожирларнинг ҳақиқий жойлашувининг йўқлигида, яъни, улар СПбда вақтинчалик рўйхатда турган жойида яшамайди.

Журналистлар ва миграция соҳасида ишловчилар Е.Дунаева ва бошқа маърузачиларнинг чиқишларини шарҳлади, ҳамда ўзларини қизиқтирган саволларини берди.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди бошқарув раиси Махмут Маматмўминов 1 ой аввал кўтарилган муаммо ҳақида сўради. Муҳожирлар баъзан ФМХБ олдида ўз навбатларини 5-6 соатлаб кутади.

Красний Текстильшик кўчасидаги ФМХ бўлими ҳовлисига ҳожатхона ўрнатилмаган, шу муносабат билан қўшни ҳовлиларнинг аҳолиси жамоат тартибининг бузилиши бўйича арз қилади. 1 ой мобайнида муаммо ҳал қилинмаган ва М.Маматмўминов буни эслатиб ўтди, ҳамда муҳожирларга ёрдам кўрсатиш Фонди номидан жамоат тартибини бузмасликка, ўзларини маъмурий жавобгарликга жалб эттирмасликга ва бу муаммо ҳал этилгунча яқин атрофдаги кафе ва жамоат ҳожатхоналаридан фойдаланишни такидлаб ўтди.

Россия Қизил Хочнинг Санкт-Петербург бўлими миграция қонунчилиги бўйича ахборот-консультация маркази директори Наталья Зайбертнинг таъкидлашича, агар биз муҳожирлар томонидан амалга оширилаётган жиноятлар ҳақида гапирадиган бўлсак, бу масалада объектив бўлиш учун муҳожирларга нисбатан амалга оширилаётган жиноятлар ҳақида ҳам гапириб ўтиш лозимдир. Ва кейинги давра суҳбатларида бундай саволлар ҳам кўтарилади деган умидни билдирди.

Расмий баёнот

Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ерости сувларининг тугаб бораётгани ҳақида бормоқда.

Шунингдек, Хитой, Ҳиндистон каби Осиёнинг бир қатор мамлакатларида аҳоли даромадларининг жадал суръатлар билан кўпайиб, шунга мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ортиб бораётганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши тўғри ва мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ экани, мева ва сабзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозимлиги ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шундан далолат берадики, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун тавсия этилган кундалик 400 грамм ўрнига жуда кам миқдорда – бор-йўғи 150-200 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинмоқда.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, биз мазкур форумнинг мақсад ва вазифаларини сиз, анжуман қатнашчиларини Ўзбекистонда сабзавот, мева ва узум етиштириш бўйича тўпланган катта тажриба ва салоҳият билан, уларнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакрор сифати билан таништириш, озиқ-овқат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ечишда ва глобал озиқ-овқат дастурини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссасини ошириш имкониятларини муҳокама этишдан иборат деб биламиз.

Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик принципларига асосланган. Бу генларни модификация қилиш технологияларини қўлламасдан, жуда мазали таъмга ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш имконини беради.

Хорижий шериклар билан биргаликда ташкил этилган, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган агросаноат корхоналари иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги элчихонаси матбуот хизмати

Фуқароларнинг унда хорижий фуқаролик мавжудлиги ҳақида хабар беришини мажбурий этиб белгиловчи қонунга имзо қўйилди

Владимир Путин “Россия Федерацияси фуқаролиги ҳақида”ги Федерал қонунининг 6 ва 30-моддаларига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги федерал қонунига имзо қўйди. Федерал қонуни 2014 йил 23 май куни Давлат Думаси томонидан қабул қилинган ва Федерация Кенгаши томонидан 2014 йил 28 майда тасдиқланган.

Давлат ҳуқуқий бошқаруви ҳақида маълумот

Федерал қонун Россия фуқаросининг унда ҳорижий давлат фуқаролиги мавжудлиги ҳақида хабар беришнинг мажбурий эканлигини ўрнатишга қаратилган.

Фото: kp.ru

Бу мақсадларда “Россия Федерацияси фуқаролиги тўғрисида”ги Федерал қонунига Россия федерацияси фуқароси ёки 18 ёшга етмаган ёки лаёқати чекланган (Россия Федерациясининг доимий равишда Россия Федерациясидан ташқарида яшовчи фуқаролари бундан мустасно) Россия фуқароларининг қонуний вакиллари миграция соҳасида назорат функциясини олиб бориш ваколати берилган ҳудудий федерал органининг ижро ҳокимияти органларини унда хориж давлатида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи хориж давлатининг фуқаролиги ёки яшаш рухсатномаси ёки бошқа ҳужжати борлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириш бўйича ўзгартиришлар Федерал қонун томонидан киритилган.

Ундан ташқари, хориж давлатида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи хориж давлатининг фуқаролиги ёки яшаш рухсатномаси ёки бошқа ҳужжати борлиги ҳақида ёзма равишда огоҳлантириш мажбуриятини бажармаганлик учун Федерал қонуни томонидан жиноий жавобгарлик ва бундай аризани беришдаги қонунбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Шу вақтнинг ўзида бошқа фуқаролиги ҳақида ёзма равишда хабар бериш мажбуриятидан 2014 йил 21 март куни № 6-ФКЗ “Россия Федерациясига Қрим Республикасининг қабул қилиниши ва Россия Федерацияси таркибида янги субъектлар – Қрим Республикаси ва федерал аҳамиятга эга Севастополь шаҳрининг ташкил этилиши ҳақида”ги Федерал конституцион қонуни ва 2014 йил 18 мартдаги Россия Федерацияси ва Қрим Республикаси ўртасидаги Шартномага асосан Россия Федерациясига Қрим Республикасининг қўшилиши ва Россия Федерацияси таркибида янги субъектларнинг ташкил этилиши бўйича Россия Федерацияси фуқаролигини олган Россия Федерацияси фуқаролари 2015 йилнинг 31 декабригача озод этилади.

Россияда Ўзбекистон фуқаросининг биометрик паспорти

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик бўлмаган намунадаги паспорти билан қачонгача ҳорижга чиқиш мумкин?

2014 йилнинг 30 июнь кунигача. 2014 йилнинг 1 июлидан ҳорижга чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти бўлиши шарт.

2. Кимлар Ўзбекистон Республикасининг ҳориждаги муассасаларидан биометрик паспорт олиш ҳуқуқига эга (элчихона, консуллик ва бошқалар)?

Ўзбекистон Республикасининг ҳорижий муассасаларида қуйидаги фуқаролар биометрик паспорт олишлари мумкин:

- ҳориж давлатларига доимий яшаш учун кўчиб кетган ва Ўзбекистон Республикаси ҳорижий муассасаларида доимий консуллик ҳисобида турганлар;

- хизмат сафари, ўқиш, даволаниш, шартнома асосида меҳнат қилиш (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича Агентликнинг ҳорижда ишлаш бўйича лицензияси бўлганда) ва Ўзбекистон Республикаси ҳорижий муассасаларида вақтинчалик консуллик ҳисобида турганлар.

Фото: baq.kz

3. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг оддий намунадаги паспорти қачонгача амал қилади?

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг оддий намунадаги паспорти 2015 йилнинг 31 декабригача амал қилади.

Паспорт берилиши ва алмаштирилиши

Паспорт Консуллик бўлимига шахсан келиш йўли билан қуйидаги рўйхат бўйича расмийлаштирилади:

Алмаштирилиши лозим бўлган паспорт (ёки РФ ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари: ИИВ ёки ФМХдан паспорт йўқолганилиги ҳақида маълумотнома ва батафсил тушунтириш хати) ва паспортнинг 3 нусхада копияси. Паспортнинг белгилари бор саҳифаларини А4 форматидаги қоғозга бир томонида 4 саҳифа ва орқа томонида ҳам 4 саҳифа қилиб жойлаш лозим.

Туғилганлик ҳақида гувоҳнома. 16 ёшга етганда биринчи марта паспорт расмийлаштиришда иккала ота-онанинг паспортлари ва нотариал тасдиқланган 4 нусҳадаги копиялари, уларнинг 1 донадан 3х4 фотосурати ва нотариал тасдиқланган, 2 нусхадаги чиқиб кетиш манзил варақалари.

Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетганлик манзил варақаси ёки унинг нотариал тасдиқланган 2 нусхадаги копияси (икки бетини ҳам А4 форматидаги қоғознинг бир бетига жойлангани).

Рангли сурат – 4 дона. (3,5 см х 4,5 см), фотостудияда олинган.

Россия (ёки Белоруссияда) “Истиқомат учун берилган гувоҳнома” – белгилар қўйилган барча саҳифалари билан 2 нусхада (керакли бетларни А4 форматидаги қоғознинг икки тарафига ҳам жойлаштирган ҳолда).

Истиқомат учун берилган гувоҳноманинг йўқлиги ҳолатларида қуйидагилар талаб қилинади:

Доимий рўйхатда, вақтинчалик яшаш учун рўйхатда (РВП) ёки рўйхатда туриш жойидан маълумотнома;

Россия (Белоруссия) фуқаролигини қабул қилиш учун ариза бермаганлиги ҳақида ва Россия (Белоруссия) паспорти билан ҳужжатлаштирилмаганлигини тасдиқловчи маълумотнома (ФМХ томонидан берилган маълумотномалар бурчакли штамп ва гербли муҳр билан тасдиқланган бўлиши лозим).

Туғилганлик, никоҳ қайд этилганлиги ҳақидаги гувоҳномаларнинг нотариал тасдиқланган копиялари (никоҳ бекор қилингани ёки никоҳ бекор қилингани ҳақидаги суд қарори), болаларнинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномалар – 2 нусхада.

Муҳожирлар Россия учун муаммо эмас, ресурсдир

Петербургнинг “РосБалт” ахборот агентлиги география фанлари номзоди, Россия меҳнат бозорига муҳожирлар таъсири ҳақида миграция тадқиқотлари Маркази директори ўринбосари Юлия Флоринская билан суҳбатлашди. Биз ушбу суҳбатнинг асосий фикрларини чоп этмоқдамиз.

Муҳожирлар муаммо эмас. Муҳожирлар – бу меҳнат қилаётганлар, шу жумладан чет элликлар томонидан ҳам Россия фуқароларига нафақалар; бу Россия фуқаролари фойдаланаётган иш ўринларининг тўлдирилиши ва хизматлар бозорининг таъминланиши; бу уйида ёш боласи ёки қарияси бўлишига қарамасдан Россия фуқароларининг ўз иш жойларида қолишига имкон берувчи уй хизматчиларидир.

Миграция – бу ақл билан фойдаланиш лозим бўлган ресурсдир. Ҳаражатлари бор ресурсдир. Бизнинг вазифамиз – шу чиқимларни камайтириш. Шундай қилиш керакки, қонуний мҳнат қилаётган муҳожирлар кўп бўлсин, улар солиқларни тўлайди ва бюджетимизни тўлдиради, соядаги ўртакашларнинг чўнтагини эмас.

Россияга муҳожирларнинг келаётгани – бу яхши белги. Демак, биздаги иқтисодий ривожланиш даражаси муҳожирлар келаётган мамлакатлардан юқоридир. Ва мамлакат янада ривожланадиган бўлса, қайсидир соҳаларда бандликни таъминлаш учун янги ишчи кучлари керак бўлади. Масалан, тиббиётда врачлар ва ўрта тиббий ходимлар нисбатини ўзгартириш режаси мавжуд. 1 врачга 8 та тиббий ходим керак бўлади. Улар ҳозир йўқ бўлса, уларни қаердан оламиз? Лекин муҳожирлар ўз мутахассисликлари билан ишга жойлашиши қийин. Бишкеклик собиқ бош тиббий ходимга РФ касалхонасида ҳаттоки бола боқар бўлиб ҳам ишга жойлашиш амри маҳол.

Бошқа мамлакатлардан келган аёллар кўп туғиши чўпчақдир. Москвада чет элликларнинг туғилиши охирги 3 йил давомида ўзгармасдан қолмоқда: пойтахт туғруқхоналарида чет элликларнинг ҳиссаси 7 фоиздир (5% - МДҲ мамлакатларидан, 2% - узоқ ҳориж мамлакатларидан); туғилишларнинг умумий синадан олганда эса – бу 9 минг чақалоқдан кўпроқ дегани.

Сўровлар натижасига кўра, 25% муҳожирлар Россияга бутунлай яшаш учун кўчиб ўтишни ҳохлайди. Кўпчилик фарзандлари шу ерда қолишини, ўзлари эса нафақага ўз мамлакатларига кетишни истайди.

Изучаем русский язык

Бросаться кому-либо в глаза

Фото: liveinternet.ru

Бежать, высунув язык

Брать кого-либо за сердце/душу

Петербургда болалар билан қаерга бориш мумкин?

Петербург планетарийси (доимий экспозиция)

Планетарийда болалар ҳам, катталар ҳам дунёнинг пайдо бўлиши, узоқ галактикалар ва осмон ҳодислари ҳақида маълумот олишлари мумкин. Ажойиб рақамли технологиялар ва “Планетарий” ускунаси Ернинг исталган қисмининг юлдузли осмонини ҳамда сайёраларнинг йиллик ва суткадаги ҳаракати, туманликни, кометалар ва метеор ёмғирларини, ой тутилиши ва Сомон йўлини кўришга имкон беради.

“Космик саёҳат” интерактив зали болалар ва катталарга ҳам фазовий кеманинг экипаж аъзолари бўлиш имконини беради. Унда Венерага, Марсга ёки бирон-бир бошқа сайёрага учиш осон ва оддийдир.

“Мароқли тажрибалар лабороторияси”да ташриф буюрувчилар турли хил қизиқарли саволларга жавоб беришлари мумкин.

Манзил: Александровский парки, 4-уй (ст. м. Горьковская, Спортивная)

Иш вақтлари: 10-18.

Билет нарҳи: 16 ёшгача болалар учун 150 руб.

Петропавловск қалъасида “Вақт кўчаси”

Бу ерда заллар ва витриналар йўқ, фақатгина XVIII, XIX ва XX асрларда уйлар қурилган кўчаларгина мавжуд. Петербург савдо порти, бошлиқ хонаси, тикувчилик устахонаси, момолар хонаси ва бошқалар.

“Вақт кўчаси” – бу қизиқарли воқеалар содир бўладиган музей-экспозиция майдонидир. Сиз у ерда узоқ ўтмишга кўчиб ўтасиз ва Юрий гагарин билан биргаликда космосга парвоз этасиз.

Экспозицияда Санкт-Петербург шаҳрининг қандай пайдо бўлгани, уч аср давомида петербургликларнинг модаси ҳақида, антик даврлардан бошлаб рекламанинг ривожланиши ҳақида, мамлакатнинг давлат қурилишидаги муаммолари, афзалликлари ва камчиликлари ва бошқа кўпгина нарсалар ҳақида маълумот олиш мумкин.

Кўргазмада болалар ижодиёти натижалари ҳам тақдим этилган.

“Вақт кўчаси” – бу фақатгина қизиқарли музей майдони эмас – бу ерда турли хил байрамлар ва қизиқарли машғулотлар ҳам ўтказилади.

Манзил: Петропавловск қалъаси, 3-уй (Инженерлар уйи) (ст. м. Горьковская)

Иш вақтлари: 11-18, дам олиш куни: чоршанба.

Билет нарҳи: ўқувчилар учун — 80 руб., катталар учун — 60 руб.

Muzeus музейида болалар учун интерактив экспозициялар

Музейда бола даврлар оша саёҳат қилади ва одамзот тарихининг энг қизиқарли вақт бўлакларига ташриф буюради!

Фарзандингиз, ўзингиз ҳам қароқчилар саргузаштлари дунёсига шўнғишингиз, рицарлик мусобақасида курашиб, маликани қутқаришингиз, тош давридаги ҳақиқий қазилмаларда динозавр суягини топишингиз ҳамда космик кемада жуда ҳам қизиқарли экспедицияни амалга оширишингиз мумкин.

MUZEUS да ҳамма нарса: томоша қилиш, ушлаб кўриш, югуриш, сакраш мумкин – сизнинг фарзандингиз сеҳр ва янги кашфиётлар дунёсига шўнғийди.

Манзил: Ленинградская кўчаси, 5-уй, корп.2 (ст. м. Дыбенко)

Иш вақтлари: 12-20

Билет нарҳи: 500 руб.

Фото: lympic.ru

Россияга кетаётган меҳнат муҳожирлари Бишкек-II темир йўл вокзалида “қора рўйхат” ҳақида маълумот олишлари мумкин

Knews.kg нинг хабар беришича, Бишкек-II темир йўл вокзалида Россияга кетмоқчи бўлган барчага билет олишдан аввал уларнинг РФ “қора рўйхат”да бор-йўқлигини текшириб кўриш мумкин бўлган ягона миграция маркази очилди. Бу ҳақда ГП “НК “Киргиз темир жолу” ахборот хизмати хабар беради.

Фото: fotoplex.ru

Маълумот марказининг очилиши зарурияти Россия Федерацияси “қора рўйхати”да бўлганларнинг Россия билан чегарада поезддан туширилиши билан боғлиқдир.

Эслатиб ўтамиз, миграция қонунчилиги талабининг ошиши муносабати билан қонун нормаларини бузган чет эл фуқароларига РФ ҳудудига кириш ёпилгандир. Ягона миграция кўчма марказининг очилиши ғояси Меҳнат, миграция ва ёшлар вазирлигига тегишлидир. Аввалроқ бундай маълумот марказлари пойтахтнинг “Манас” аэропортида ва Ўш шаҳрининг аэропортида очилган эди.

Путин Полтавченконинг истеъфосини қабул қилди

5 июнь куни РФ президенти Владимир Путин Петербург губернатори Георгий Полтавченконинг сентябрда шаҳар бошлиғи учун бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этиш истаги муносабати билан унинг муддатдан илгари истеъфосига розилик берди.

“Мен сизга жорий йилнинг сентябрь ойида навбатдан ташқари Санкт-Петербург губернаторлигига бўладиган сайловда иштирок этиш ниятида, режалаштирган ишларимни ниҳоясига етказиш учун мени қўллаб-қувватлашингизни сўраб мурожаат қилмоқчиман”, - деб маълумот берди губернатор матбуот хизмати унинг сўзларини. Кейинги сайловгача Санкт-Петербург губернатори вазифасини бажарувчини Георгий Полтавченко тайинлайди.

Полтавченконинг Петербург губернаторлигидаги ваколати муддати 2016 йилда ўз ниҳоясига етади. Эслатиб ўтамиз, қонун бўйича ҳудудий сайловлар белгиланиши мумкин бўлган муддат 15 июнь куни ниҳоясига етади. Губернаторлик муддатдан илгари сайловлари 2014 йил 14 сентябрда Ягона овоз бериш кунида бўлиб ўтиши лозим.

Роспотребнадзор Петербург пляжларида чўмилишни таъқиқлади

Санитар-гигиеник жиҳатдан сувларнинг номувофиқлиги сабабли Петербург пляжларида чўмилиш соғлиқ учун хавфли деб белгиланган.

Шимолий пойтахтдаги барча пляж ҳавзалари чўмилиш учун яроқсиздир. Май ойидаги мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, шаҳарнинг барча 25 та пляжлари санитар-гигиеник нормаларга мувофиқ эмас, шу сабали соғлиқ учун хавфлидир. Масалан, шаҳарнинг барча пляжларидаги 72 та назорат нуқталарида 46 та муҳим кўрсаткичлар бўйича номувофиқлик аниқланган.

Экспертларнинг таъкидлашича, бундай сув ҳавзаларида сувни ютиш ҳамда кир сувнинг тана шикастланган жойларига кириб қолиши оғир инфекция касалликлари – ичак, энтеровирус инфекциялари ва ҳаттоки А гепатитига олиб келиши мумкин.

Муассаса нормативлари бўйича хавфсиз пляжлар мавжуд, лекин улар Ленобластида: — “Игора” марказидаги сув ҳавзаси (Приозерск шоссесининг 54-километри); — Сясь дарёси; — Светлое кўли; — Ратное кўли.

Петербург аҳолиси орасида машҳур бўлган рухсат берилмаган пляж участкалари санита-гигиеник нормаларга мувофиқдир, улар: — Лошево кўли; — Павловское кўли; — Донцо кўли; — Авдетово кўли; — Черемуховое кўли; — Омчино кўли; — Черменецкое кўли; — Шингарка дарёси; — Кушелка дарёси.

Грозний ва Бишкек ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво йўли ўрнатилди

Грозний ва Бишкек ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво йўли ўрнатилди, деб ёзади “Кавказский узел” “Грозный-Авиа” компаниясидаги манба маълумотига кўра.

4 июнь куни Қирғиз авиалиниясининг биринчи “Боинг – 737” йўловчи самолёти 148 йўловчи билан “Грозний” аэропортига кўнди. Йўловчилар орасида асосан чеченистонликлар, Қирғизистонга ўз ишлари ёки қариндошларникига меҳмонга борган республика аҳолиси ва республиканинг Қирғизистонда яшовчилари экан.

Грозний аэропортидаги манба маълумотларига кўра Грознийдан Бишкекка авиарейслар ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари амалга оширилади. Грознийдан учиш 12:30 амалга оширилади, билет нархи эса 7 300 рублни ташкил этади.

Қирғизистон биринчилардан бўлиб Россия билан муҳожирларни ташкилий тўплаш бўйича келишиб олади

“Вечерний Бишкек” газетасининг хабар беришича, Қирғизистон МДҲ ичида Россия билан миграция соҳасида ташкилиш тўплаш ҳақида биринчилардан бўлиб келишув имзолаши мумкин. РФ ФМХ ташқи алоқалар бошқармаси бошлиғи Олег Артамоновнинг айтишича, ушбу ҳужжат ҳозирда деярли тайёр.

“Бундай келишувнинг ғояси 2008 йил Қирғизистоннинг Чўлпон-Ота шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ мамлакатлари миграция органлари раҳбарларининг Кенгаши мажлисида туғилган эди. У узоқ вақт муҳокама қилинди, томонлар уни босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этишни бошлади. Ташкилий тўплашни жорий қилиш Қирғизистондан Россияга меҳнат миграциясини бошқариш, унда қирғизистонликларнинг ишга жойлашиши, ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлаш имконини беради”, - деди Артамонов.

Унинг сўзларига кўра, ҳужжат лойиҳаси ҳозирда давлат ички процедураларидан ўтмоқда. “Бу жараённинг тугаши билан, биз уни имзолашимиз мумкин деб умид қиламан. Ва менимча бу йили Қирғизистон МДҲ да бундай келишувни имзолаган биринчи республика бўлади”, - деб таъкидлади Артамонов.

Агар ушбу келишув имзоланса, Қирғизистонда миграция қилишни ҳохловчилар учун одамларни тайёрлашга миграция марказлари очилади. У ерда ҳуқуқий тайёрлов ишлари ўтказилади, яъни РФ Миграция қонунчилиги талаблари билан, рухсат берувчи ҳужжатлар тартиби билан танишиш амалга оширилади. Балки РФ да ишчи кучи етишмаётган соҳалар бўйича касбий тайёргарлик курслари ташкил этилиши ҳам мумкин.

АҚШ Бишкекдаги ўз ҳарбий базасини ёпмоқда

Бишкекда АҚШ ҳарбий базаси ёпилди. Экспертларнинг фикрига кўра, бу Қирғизистоннинг Россия ва ХХРга қайта ориентир олиши ҳисобланади.

3 июнь куни Бишкекнинг Манас аэропортида у ерда жойлашган Америка авиабазасининг расмий ёпилиш маросими бўлиб ўтди. “Бир ҳафтадан кейин бизнинг барча ҳарбий хизматчиларимиз унинг ҳудудларини тарк этади”, - деди АҚШнинг Қирғизистондаги элчиси Памела Спратлен.

АҚШ авиабазаси Бишкек халқаро аэропортида 2001 йилнинг декабрь ойида Афғонистондаги “Енгилмас озодлик” операцияси доирасида коалиция кучларини қўллаб-қувватлаш учун ташкил этилган эди. Кейинчалик у “Манас” транзит ташишлар Маркази деб қайта номланди. База ҳавода қўшимча ёқилғи қуйиш, юклар ва ҳарбийларни етказишни таъминлаган. 2010 йил Қирғизистон президенти Алмазбек Атамбаев НАТО ҳарбий объекти фуқаролик аэропортида ёпилишини айтган эди. Кейинчалик эса Қирғизистон ТИВ АҚШга Транзит ташишлар Марказининг фаолияти келишувининг амал қилишини 2014 йилнинг 11 июлидан тўхтатиш ҳақидаги нотани топширган.

Японияниг Тожикистон Республикасидаги элчиси Хироюки Имахаши Тожикистон Миллий кутубхонасига 700 дан ортиқ китоб совға қилди

Тожикистон Республикаси Миллий кутубхонаси матбуот хизматининг хабар беришича, китоблар Япония миллий куни муносабати билан тақдим этилди. Китобларни тақдим этиш маросимида кутубхона директори Носиржон Салимов элчига чуқур миннатдорчилик изҳор этди ва бу йўналишдаги ҳамкорлик бундан кейин ҳам ривожланишини таъкидлади.

Совға қилинган китоблар асосан бадиий, болалар ва тиббиётга боғлиқ адабиётлардир.

Уларнинг орасида тарих, география ва сиёсатшунослик ҳақида ҳам китоблар мавжуд. Уларнинг барчаси инглиз ва япон тилларида.

Адабиётларнинг катта партиясини олиш муносабати билан кутубхонанинг хориж адабиёти бўлимида япон адабиёти бурчаги очилди.

Душанбеда таэквондо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилади

2014 йил 6-11 август кунлари Тожикистон пойтахти Душанбеда Таэквондо ITF бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Ҳозирда август ойида бўлиб ўтадиган спорт мусобақаси учун олиб борилаётган тайёргарликларни кузатиш учун Халқаро таэквондо федерациясининг махсус назорат комиссияси Душанбеда бўлиб турибди.

Тожикистон пойтахтидаги чемпионатга дунёнинг 50 мамлакатидан таэквондо вакиллари келиши кутилмоқда.

Петербурглик қурувчиларни Тожикистонда ишлаб кўришга таклиф этишди

НП “Объединение строителей СПб”га Тожикистоннинг Вахдат шаҳри делегацияси ташриф буюрди.

Ташрифнинг мақсади Россия қурилиш бозорининг тенденциялари билан танишиш ва мамлакатлар ўртасида қурилиш ва лойиҳалаштириш соҳаларида ўзаро манфаатли шериклик муносабатларни ўрнатиш бўлди.

Учрашув чоғида меҳмонлар НП “Объединение строителей СПб” таркибига кирувчи қурилиш ва лойиҳалаштириш компанияларини Вахдат шаҳридаги кўп қаватли қурилишларнинг ривожланишида иштирок этишлари учун таклиф этди.

РПЧ муҳожирлар учун Библия чоп этади

Москва Епархиал кенгаши қошидаги Рус православ черкови миссионерлик комиссияси ўзбек тилида Библия нашр этишни ният қилмоқда. Лойиҳа меҳнат муҳожирлари учун мўлжалланган ва Библия таржимаси институти билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Библиянинг таржимаси Институтнинг Россия ФМХ билан биринчи ҳамкорлиги эмас. Бунгача тил ўргатиш курслари, РФ маданияти ва қонунчилиги асосларини ўқитиш, Марказий Осиё халқлари тилларига таржима қилинган таълим берувчи адабиётлар чоп этган.

Библиянинг таржимаси ғояси иеромонах Димитрийга (Першин) тегишлидир. У Давлат Думасида бўлиб ўтган давра суҳбатида янграган эди.

“Бу нашрнинг илмий, академик, сифатли бўлиши жуда ҳам муҳимдир. Бу меҳнат муҳожирларининг маданий мослашуви ва интеграцияси учун жамият талабига бизнинг жавобимиз бўлади. Бизнинг жавобимиз – бу агрессия эмас. Бу келгиндиларга ўрганишлари учун биз таклиф қилишимиз мумкин бўлган тил ва маъновий стандартдир”, - деди иеромах Димитрий.

Ўзбекистонда Европа кинофестивали бўлиб ўтади

Ўзбекистоннинг учта шаҳрида Европа Иттифоқининг 11 давлатидан 13 та фильмни намойиш этишади. Иккинчи Европа кинофестивали 3-8 июнь кунлари Тошкентда, Самарқандда ва Бухорода бўлиб ўтади.

У Ўзбекистондаги Европа Иттифоқи делегациясининг “Ўзбеккино” Миллий агентлиги билан ҳамкорлигида ташкил этилмоқда. ЕИ Делегациясининг “Газете.uz”га хабар беришича, намойишлар Тошкентда Алишер Навоий номидаги кинотеатрда, Самарқандда – “Шарқ юлдузи” кинотеатрида, Бухорода – “Бухоро” кинотеатрида бўлиб ўтади. Барча сеансларга кириш бепул.

Ислом Каримов ЕОИИ ва Божхона иттифоқини яна танқид қилди

8 июнь куни Ўзбекистон президенти яна бир марта Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақидаги келишувни шарҳлаб, Тошкентнинг нима сабабдан совет кенгликларидаги собиқ ҳамкорлари билан интеграцияга киришишни истамаслигини айтиб ўтди.

Унинг баҳо беришича, бундай давлатлараро шаклланишлар унинг баъзи бир аъзоларига давлат мустақиллигининг бой берилиши хавфини туғдириши мумкин, бунинг сабаби эса иқтисодий суверенитет қисмининг қўлдан чиқиши бўлади.

“Улар фақатгина иқтисодий бозор яратаяпмиз, ўз суверенитетимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз деб ишонтиришмоқда. Айтингларчи, иқтисодий мустақил бўлмасдан сиёсий мустақил бўлиш мумкинми?”, - деди Ислом Каримов ЕОИИ тузишни изоҳлар экан. Президент “Ўзбекистонда Озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимида ҳорижий бизнес вакиллари ва чет эллик дипломатлар олдида нутқ сўзлади. Бу Ислом Каримовнинг Москванинг интеграция лойиҳаларини танқидлувчи биринчи ҳолат эмас.

Одоб ва аҳлоқ туркуми

«Зикр аҳлидан сўранг» – Ўлганлар ҳақида гувоҳлик

САВОЛ: Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ! Шайх ҳазратлари, сизга бир саволим бор эди. Одатда маййит кўмилганда бир одам тўпланганларга қарата «Марҳум фалончи қандай одам эди?» деб савол ташлайди. Шунда тўпланганлардан бири «Яхши одам эди» деб жавоб беради. Шу одатга кўра мен марҳумни танимасам ёки ёмон одам эканини аниқ билсам ҳам, «Яхши одам эди» десам бўладими?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу иш қуйидаги ҳадислардан умидвор бўлганликдан қилинади: Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўлганларингизнинг яхшиликларини зикр қилинглар. Уларнинг ёмонликларидан тийилинглар», дедилар».

Фото: ytimg.com

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилган. Ушбу ҳадиси шариф ўлганларнинг фа-кат яхшиликларини зикр қилиш кераклиги билан ёмонликларини мутлақо зикр қилмасликни жамлаб келмоқда.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир жанозани олиб ўтилди. Унинг ҳақига яхши гаплар айтилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди, дедилар. Яна бир жанозани олиб ўтилди. Унинг ҳақида ёмон гаплар айтилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, вожиб бўлди, вожиб бўлди, вожиб бўлди, дедилар.

Умар розияллоҳу анҳу: «Отаонамиз сизга фидо бўлсин, нима вожиб бўлди?», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳақида яхши гаплар айтган одамингизга жаннат вожиб бўлди. Ҳақида ёмон гаплар айтган одамингизга дўзах вожиб бўлди. Сиз Аллоҳнинг ер юзидаги шоҳид-ларисиз. Сиз Аллоҳнинг ер юзидаги шоҳидларисиз», дедилар». Бешовлари ривоят қилган. Насаийнинг лафзида: «Фаришталар Аллоҳнинг осмондаги шоҳидларидир. Сиз Аллоҳнинг ер юзидаги шоҳидларисиз», дейилган. Аввалги ҳадисларда ўлганларни фақат яхшилик билан эслаш ҳақида сўз кетган эди. Бу ерда ёмонлик билан зикр қилиш ҳақида-ку, қандоқ бўлди?, деган савол пайдо бўлиши табиий.

Бу саволнинг жавоби шундай: ўлганларни сўкишдан қайтариш маъносидаги ҳадислар кофир, мунофиқ ва гуноҳ ишларни очиқ-ойдин қилган кишиларга хосдир. Ушбу уч тоифани уларнинг йўлидан, уларга эргашишдан қайтаришучун ёмон гаплар билан эслаш ҳаром бўлмайди, дейилган.

Абул Асвад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мадинага бордим. У ерда касаллик тарқалган экан. Умар розияллоҳу анҳунинг олдида ўтирдим. Уларнинг олдидан жаноза ўтди. Бас, унинг соҳибига мақтов айтилди. Умар, вожиб бўлди, деди. Сўнгра яна бошқаси ўтди. Унинг соҳибига ҳам мақтов айтилди Умар, вожиб бўлди, деди. Кейин учинчиси олиб ўтилди. Унинг соҳибига ёмон гап айтилди. Умар, вожиб бўлди, деди.

Абул Асвад: «Нима вожиб бўлди, эй амирал мўминин?», деди. «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам нима деган бўлсалар, шуни айтдим. Қайси бир мусулмонга тўртта одам яхшилик ила гувоҳлик берса, Аллоҳ уни жаннатга киритади», деди. «Учта бўлса ҳамми?» дедим. «Учта бўлса ҳам», деди. «Иккита бўлса ҳамми?» дедим. «Иккита бўлса ҳам», деди. Битта ҳақида сўрамадик».

Бухорий, Термизий ва Насаий ривоят қилган. Бу савол ва шунга ўхшаган бошқа саволлар ҳозир биз ўрганаётган ҳадисларнинг зоҳирий маъносидан келиб чиққан. Ушбу ҳадисларни сиртдан ўрганган одамда: бу дунёда нима қилса ҳам қилиб юрган одам ўлгандан кейин орқасидан одамлар, яхши эди, деб гувоҳлик берсалар жаннати, бутун умрини тақво ва ибодат билан ўтказган одам ўлганидан кейин одамлар орқасидан, ёмон эди, деб гувоҳлик берса, дўзахи бўлиб кетаверар эканда, деган хаёл пайдо бўлиши мумкин.

Аслида эса ундоқ эмас. Аввало юқорида зикр қилинганидек, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам, вожиб бўлди, дейишларидан олдин, шундоқ эканлигини биласизми? деб сўраганлар.

Яъни, маййитга берилган гувоҳлик воқеъликка тўғри келиши, келмаслигини аввал суриштириб кўриб, кейин жаннат ёки дўзах вожиб бўлди, деганлар. Шунинг учун бундоқ гувоҳликда тирикларнинг гувоҳлиги ўликларнинг амалига мос келиши керак, деган шарт келиб чиқади.

Ўтган машҳур уламолардан Ибн ат-Тийн раҳматуллоҳи алайҳи: «Бу иш саҳобаларга хосдир. Улар доимо ҳикмат билан гапирар эдилар», деган. Шунингдек, бу иш, ишончли ва тақводор кишиларга хос, деган уламолар ҳам бор. Валлоҳу аълам.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

Хайр-эҳсон қилувчи инсонларга мурожаатнома

Азиз дўстлар! Ҳеч кимга сир эмаски, сўнги йилларда Ўрта Осиёдан Россияга ишлаш учун келаётган меҳнат муҳожирлари сони кескин ошди. Афсуски, уларнинг аксарияти инсонга хос бўлмаган оғир шароитларда яшашиб, меҳнат қилишмоқда. Ҳамма муҳожирлар ҳам тайинли иш ва турар-жой топишга муваффақ бўлавермайди. Аксарият ватандошларимиз муттаҳам ва виждонсиз воситачилардан жабр кўрадилар, баъзиларини эса фирибгар иш берувчилар алдайдилар. Табиийки бунинг натижасида, ҳамюртларимиз ночор молиявий аҳволга тушиб, тушкунликка тушиб қоладилар. Мусофир юртда кимга бориб дардини айтишини, кимдан ёрдам сўрашини билмай қолади. Афсуски, қийин аҳволга тушиб қолган ҳамюртларимизга беминнат ёрдам кўрсатувчи нотижорат давлат ташкилотлари Россияда, шу жумладан Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятларида жуда кам. Инсонпарварлик ташкилотлари бўлса, улар муҳожирларга ёрдам кўратишмайди. Айрим миллий жамиятлар эса «пуллик» ёрдам беришмоқда, ёки ҳар доим ҳам ўз ватандошларини ҳимоя қилишга қодир эмас.

Шу сабабли, 2012 йилнинг август ойидан бошлаб Ленинград вилояти ва Санкт-Петербург шаҳрида «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти ўз фаолиятини бошлади. Фонднинг асосий вазифаси Ўрта Осиёдан келган меҳнат муҳожирларига ва ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларга беминнат ва беғараз ёрдам кўрсатиш, хусусан, ҳуқуқий ва моддий мадад беришдан иборат. Фонднинг яна бир муҳим вазифаларидан бири- бу Россия Федерациясининг бошқарув органлари ва маҳаллий бошқарув идораларида, иш берувчилар олдида, суд ва ҳуқуқ-тартибот органларида, ташкилий уюшмалар ва бошқа давлат органларида муҳожирлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Бундан ташқари, бизнинг Фонд Оммавий хайрия тадбирлари ўтказиб келмоқда, турли халқаро хайрия акцияларида иштирок этмоқда.

Ўтган йилнинг август ойидан бошлаб Фондга ҳар куни кўплаб инсонлар ёрдам сўраб мурожаат қилишмоқда. Уларнинг кўпчилигини Ўрта Осиёликлар ташкил қилади. Кимлардир ўз маошини оломайди, яна кимларгадир иш ёки яшаш жойи керак, яна кимнидир алдашган ва ҳоказо. Бизнинг мутахас ислар уларга бепул кўмак бериб келишмоқда. Бундан ташқари Фондга, шу ерда вафот этган муҳожирларнинг яқинлари ва қариндошлари ҳам ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Инсон майитларини ватанга юбориш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Бу хизматни дафн этиш ташкилотлари кўрсатади ва бу пулли хизмат ҳисобланади. Айни вақтда бир майитни Ўрта Осиёга юбориш учун ўртача 50 000 рублдан кўпроқ маблағ керак бўлади. Марҳумларни бу ерда яқинлари ёки танишлари бўлса, юбориш анча енгиллашади. Бироқ уларни ҳеч ким бўлмасачи? Фондимиз бир неча марта бундай нохуш ҳолатларга дуч келди. Кўнгилли ходимларимиз ҳамюртимиз майитини юбориш учун жума кунлари масжидларга ва қурилиш биноларига бориб, хайр-эҳсон маблағларини тўпламоқдалар. Бундан ташқари, бахтсиз ҳодисаларда тан жароҳати олган ва ногирон бўлиб қолган ҳамюртларимиз сони ҳам кам эмас. Улар ҳам сизларнинг ёрдамингизга муҳтож азизлар!

Бизга ўзини беминнат ёрдамини аямаётган қўли очиқ инсонларга таъзим қиламиз: Шу жумладан, хусусий тадбиркорлар, ташкилотлар, беэътибор бўлмаётган ҳамюртларимизга кўрсатаётган молиявий ва ахборотий кўмаклари учун ташаккур деймиз. Уларнинг кўпчилиги моддий кўмак бериб, қанчалик катта савоб ишга қўл ураётганликларини билишмаяпти. Яратган Эгам ҳам хайр-эҳсон қилувчиларни севади. Савобнинг катта кичиги бўлмайди, хоҳ у 10 рубль бўлсин, хоҳ миллион. Биз учун ҳар қандай кўмак муҳим, чунки бу эҳсон маблағлари ёрдамга жуда муҳтож ва ночор одамларга сарф этилади.

Атрофингизга бир боқинг, муаммолардан чарчаган, яхши кундан бутунлай умидини ва ишончини узган қанча одамлар бор? Ёки тўшакка михланган бемор ҳамюртимизнинг самимий табассумини ҳоҳламасмидингиз? Балки, сиз ўзингиз ҳам мушкул аҳволдадирсиз, лекин кимларнидир аҳволи сизникидан ҳам ёмонроқ. Энг муҳими эртанги кунга умид ва ишончни йўқотмасликдир. Инсонларга эзгулик улашиш, муҳтожларга ҳайр-эҳсон қилишни барчамизга насиб этсин.

Беминнат моддий ва маънавий ёрдам беришни истаган инсонпарвар инсонларни бизга кўнғироқ қилишларини ёки Фондимиз идорасига ташриф буюришларини сўраймиз. Сизларни Фонднинг мақсади, вазифалари, хамда ўтказилаётган хайрия тадбирлари билан чуқурроқ таништириб ўтамиз.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси 52-уй лит. А, офис 27Н (арка ёнидаги эшик, Прямой пр-кт орқали кирилади). Тел: 8 (812) 309-73-06.

Р/счёт: 40703810405180000011 «Петровский» ОАО Банк «Открытие» филиали. Санкт-Петербург шаҳри.

К/счёт 30101810400000000766 БИК 044030766

«ШАҲАР ЖАМҒАРМА МАРКАЗИ» КРЕДИТ ИСТЕЪМОЛ КООПЕРАТИВИ

Ўрта Осиёлик шахсларга ишлаб топган маблағларини Ватанга юборишдан олдин қандай сақлаш ва кўпайтириш мумкинлигини ўргатади. Маблағлар 18 % га ошиши мумкин.

Ҳурматли муштарий!

Сиз Санкт-Петербург шаҳрига ўз оилангиз учун пул ишлаб топиш мақсадида келасиз. Бунинг учун сиз кеча-ю – кундуз машаққатли меҳнат қиласиз, баъзида адолатсизликдан аламингиз келади, айниқса, ваъда қилинган иш ҳақи тўланмаганида. Бироқ, сиз бу қийинчиликларни барчасини енгиб ўтишга тайёр бўласиз, чунки ватанда яқинларингиз молиявий ёрдамга кўз тикиб ўтиришибди. Сиз – уларнинг ягона умиди ва таянчисиз!

Баъзида ўзингизни ҳалол меҳнат билан топган иш ҳақингизни олганингизда, дарҳол уйга юборишга шошиласиз. Чунки сизда пулларингизни сақлаш учун ишончли жойни ўзи йўқда. Уларни ноинсоф одамлар ўғирлаб кетиши мумкин. Ўзингиз билан олиб юрсангиз, йўқотиб қўйиш хавфи мавжуд. Унда нима қилиш керак?

Биз бу муаммони ечимини топдик. **Айнан сиз учун «Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи фаолият юритмоқда.** Кооперативга қўшилинг, ҳоҳлаган қийматдаги пулингизни қўйиб (500 рублдан ортиқ), уйга юборишдан олдин кўпайтириб олинг. Қайси давлатни фуқароси эканлигингизни қизиғи йўқ. Энг муҳими, бу ерда сизга ёрдам бераётганларидан жуда мамнунлар.

Бизда фойдали фоизлар-18% йилига. Бу дегани, кооперативга қўйган пулингизга, уни миқдорига нисбатан ҳар ойда 1,5% қўшилиб бораверади. Бу жуда даромадлидир. Агарда сиз Россияга, бир йил ва ундан камроқ муддатга келган бўлсангиз, унда сиз Даромад дастури доирасида уч ой ва ундан кўпроқ муддатга шартнома тузсангиз бўлади. Уч ой муддатда омонатингизга 4,5% қўшимча даромад қўшилади. Олти ойда – 9%, тўққиз ойда-13,5% қўйган омонатингиз устига қўшилаверади. Муддат қанча кўп бўлса-даромад ҳам шунча кўп бўлади.

«Шаҳар жамғарма маркази» кооперативи аъзосига айланинг. Биз эса, пулларингизни Ватанга юборишдан аввал, кўпайтиришга ёрдам берамиз: сизнинг ҳар 100 рубл пулингизга ойига 1,5 рубл қўшиб борамиз. Кўпроқ пул тўпланганидан сўнг, ҳоҳлаган қийматдаги пулни ечиб олиб, ватанга қадрдонларингизга юборишингиз мумкин. Агарда бу пул камлик қиладиган бўлса, кооператив сизга қарз ҳам бериши мумкин. Ҳа айтганча, агарда сиз шаҳарда бўлмасангиз ёки жуда банд бўлсангиз, қариндошингиз сизнинг ўрнингизга келиши мумкин. Фақат унга ишончнома ёзиб беришни эсдан чиқарманг!

Демак, энг муҳим савол: Ишлаб топган маблағни «Шаҳар жамғарма маркази» КИК да қандай сақлаш мумкин?

Барчаси оддий. Ташкилотимиз офисига ўз паспортингиз билан ташриф буюринг, кооператив аъзолигига қўшилинг ва 500 рублдан ортиқ ҳоҳлаган қийматдаги пулни қўйинг ва кўпайтириб олинг. Уйга кетишдан олдин барчасини ечиб олишингиз мумкин ёки жўнатиб юборишингиз.

Фоиз тўловлари-18% йилига!

Маълумот учун телефон: (812) 309-56-63

Ёхуд қуйидаги манзилга келинг: Санкт-Петербург ш., Василеостровский 10-линия, 15-б уй. «Василеостровская» метро бекати. Иш вақти: соат 9:00 дан 18:00 гача (душанба-жума).

«Шаҳар жамғарма маркази» кредит истеъмол кооперативи.

Биз сизларни кутиб қоламиз, азиз муштарийлар!

ГОРОДСКОЙ ЦЕНТР СБЕРЕЖЕНИЙ

* * *

Мен Зулфия эмасман ёки Нодира,
Шоирликка даъвоим ҳам йўқдир ҳеч сира,
Фақат юрагим тирналар недир,
Бубекарор шеърдир, бекарор шеърдир.

Мени ёзгин дейди, ёз деб қўймайди,
Кечалар уйқу бермас, ором бермайди,
Қанча ёзсам кам дер, сўзга тўймайди,
Бу балки бир бедор, тинчи йўқ шеърдир.

Мухаббатни ёз дер, севгини ёз дер,
Кўпроқ ёзгин хасис, камми қоғоз дер,
Қанча ёзсам ҳам, бу жуда оз дер,
Бу чарчашни билмас тезкор шеърдир.

Қарагин бир аёл йиғлаб турибди,
Қўлда бола бағрини тиғлаб турибди,
Нелардандир камиб, ўксиб юрибди,
Сен шу аёлни ёз, кўнглини ол дер,
Бу шундай бағри кенг, кўнгилчан шеърдир.

Дўстим деганларинг кўзинг ўйсалар,
Багринғга бош қўйиб, тиғсиз суйсалар,
Оёғингдан чалиб, йиқилганингда,
Омадсиз деб устингдан кулиб қўйсалар,
Сен дўстингни ёзгин, омадни ёз дер,
Бахтсизликни ёзгин ва бахтни ёз дер.

Шеърим, нима қилиб дилинг тўлдирай,
Кимларни йиғлатиб, кимни кулдирай,
Айт меҳрингга қандай мушарраф бўлай,
Буйруқ бер,сен учун жонимни берай,
Бу менинг гўзалим, ҳаётим шеърдир,
Битиб тугатилмас баётим шеърдир.

Эй, Дарахт!

Нега сочларингда оқ қаддинг букилган?
Хаётнинг азобларига чидолмадим мен,
Алданган аёлнинг, етим бўлган боланинг,
Фарзандин оқ ювиб, оқ тараган.

Оқибат қаровсиз ота-онанинг ноласи,
Кўз ёшлари ғарқ қилди мени,
Оқшомлари сочларим остида,
Ширин висол оғушида энтиккан.

Ва бахтга етолмай қақшаган,
Икки ёш юракнинг оҳлари,
Дардларимга дард қўшди,
Ёлғончи дунёнинг кирдикорлари.

Опанинг сингилга меҳрсизлиги,
Аканинг укага ёвдай қараши,
Мардларнинг номардга қарам бўлиши,
Пулнинг ҳар нарсадан устун бўлиши.

Қаддимни букди, эркакнинг аёлин ҳўрлаши,
Аёлнинг ёрига ҳиёнатлари,
Сочларимга оқ оралатди,
Шоҳларим синдилар, томирларим қурий бошлади.

Гулнора Зулунова

Қурилиш корхонасининг ўзбекистонлик 7 нафар меҳнат муҳожирларига қарзи 1 миллион рублни ташкил этган

Муҳожирларга ёрдам бериш фондига ҳуқуқий ёрдам сўраб Ўзбекистон фуқаролари бўлган 7 та ишчи мурожаат қилди. 2013 йилнинг апрелидан 2014 йилнинг февралигача муҳожирлар бригадаси "РемСтройРеконструкция" МЧЖга тегишли қурилиш участкасида меҳнат қилди. Ишчилар расмий ишга жойлаштирилмаган эди, яъни меҳнат шартномаси мавжуд эмас эди. Иш берувчи ҳар бир ишчи учун ойига 30 минг рубль миқдорида конвертда бериладиган маош ваъда қилди. Ушбу ишга муҳожирлар ўзларининг ватандоши бўлган ўртакаш орқали жалб қилинган эди. У Санкт-Петербургда катта ойлик ва яхши яшаш шароитларини жабр кўрганларга ҳатто Ўзбекистонда бўлганларида ваъда берган. Биринчи 2-3 ойда маош ўз вақтида тўланган, кейинчалик иш берувчи пул тўлашни кечиктира бошлаган.

Объект жорий йилнинг февраль ойида, режага биноан топширилган. Лекин бугунги кунга қадар иш берувчи ваъда қилинган ойликни тўламаган. Ҳар бир жабр кўрган учун қарз миқдори 150-250 минг рублни ташкил этади.

Ўзбекистон фуқароларини тўғридан-тўғри ишга жалб қилишда уларнинг ватандоши, Ўзбекистон фуқароси Хасан Хусановнинг иштирок этганига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ишчи муҳожирлар Россияга айнан ўзларининг бригадири Х.Хусановнинг таклифи ва ваъдалари бўйича келган. Муҳожирларга ёрдам кўрсатиш фонди юристининг фикрича, агар иш берувчининг ўзи оғзаки келишув асосида иш таклиф қилганида, жабр кўрганлар рози бўлмас эди.

Ишчилар нафақат ваъда қилинган пулларни олмади, ҳатто ваъда қилинган турар-жой ҳам берилмади. Шу сабабли, Петербургда улар ўз қурилиш объектидаги ертўла биносида яшаган. Иш берувчи буни билган ва ўз корхонасининг ишчиларини унинг ўзи шундай ҳолатда қолдирган. Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондининг маълумотларига кўра, Хасан Хусанов иш берувчи билан тил бириктирган холда уларни Россияга бориб ишлашга кўндирган. Ҳозир Хасан Хусановга Ўзбекистонда одам савдоси бўйича жиноят иши қўзғатилган (бу ерда: меҳнат эксплуатацияси учун).

Ҳозирги вақтда Фонд иш берувчига суддан аввалги ҳал қилиш тартибига кўра ёзма мурожаатнома тайёрламоқда. У ерда иш берувчи олдидаги ўз мажбуриятларини бажармаса, унинг суд олдида жавоб бериши кўрсатиб ўтилади. Ойликларни

тўламаган тақдирда иш берувчи маъмурий жавобгар ҳисобланади ва ҳар бир ишчи учун 800 минг рубль миқдорида жарима тўлаши лозим. Ҳамда, РФда ноқонуний миграцияни ташкил этганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Бу меҳнат муҳожири ваъда қилинган пулларни ололмаганини кўрсатувчи ҳолатларнинг биридир. Меҳнат шартномасининг йўқлиги ҳимоя ва судда пулларнинг тўланиши жараёнини мураккаблаштиради. Сиз иш берувчи учун меҳнат қиласиз, шунинг учун ҳаттоки оғзаки шартнома ҳам маошларни ўз вақтида тўлатишга каттагина имконият беради.

Биз муҳожирлар ҳуқуқларининг турли хил бузилишларида иш берувчи сизнинг пулларингизни ўғирламаслиги учун Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига хабар беришингизни сўраймиз.

Фото: rostov-market.biz

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фондига зудлик билан юридик масалалар бўйича мутахассис ва Фонд аъзолари билан ишлаш бўйича мутахассис (аёл киши), ҳамда «Турон» газетасига чоп этувчи муҳаррир ишга таклиф этилади.

НОМЗОДЛАРГА БЎЛГАН ТАЛАБ:
*** РУС ТИЛИ ВА РФ ҚОНУНЛАРИНИ ЯХШИ БИЛИШ;**
*** КИРИШИМЛИ;**
*** ЖАМОАДА ИШЛАЙ БИЛИШ;**
*** САМИМИЙ, ОДОБЛИ;**
*** КОМПЬЮТЕРНИ ЯХШИ БИЛИШ.**
КЕРАКЛИ МАЛАКАГА ЭГАЛИГИ ҲАҚИДАГИ ТЕГИШЛИ РУХСАТНОМАЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ ШАРТ.

Миграция масалалари, Фонд ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан боғлиқ иш тажрибасига эга бўлса, бу унинг устунлиги ҳисобланади.

Мурожаат учун манзил: Ломоносовская метро бекати. Бабушкина кўчаси 52 уй, офис 27н.
Телефон: 309-73-06, 8 (952) 224-30-19.

Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди

Санкт-Петербургда катта қийинчиликларга дуч келдингизми?

Фондда Ўрта Осиёлик малакали ҳуқуқшуносларга фаолият юритмоқда. Рус тилида сўзлашмасангиз ҳам сизларни тушунамиз!

Ташриф буюринг! Биз сизларга қуйидаги масалаларни ечишда бепул ёрдам кўрсатамиз:

- Россияда қонуний яшаш учун барча ҳужжатларни расмийлаштиришда маслаҳатий кўмак
- қонуний ишга жойлашишда
- меҳнат ҳуқуқларингиз бузилаётган бўлса
- ҳуқуқ тартибот идораларида сизни ҳуқуқларингизни ҳимоя қилишда
- ҳужжатларни йўқотсангиз ёки олдириб қўйсангиз
- қарз маблағи олишда юридик маслаҳат

Шунингдек, сизларнинг хизматингизга:

- Рус тили машғулотлари
- Маданий ҳордиқ ва хайрия тадбирлари
- Илмий семинарлар ва анкуманлар

ФОНД ПОМОЩИ
Трудовым мигрантам из Средней Азии

Биз сизларни манфаатингизни кўзлаб, қонунга мувофиқ фаолият юритамиз!

Қуйидаги манзил бўйича кутамиз: «Ломоносовская» метро бекати, Бабушкина кўчаси, 52-уй литер А, офис 27Н (Арка ёнидаги эшик, Прямой проспект орқали)

Телефон: **8 (812) 309-73-06** Иш вақти: 10.00-18.00 (ДШ-ЖМ)

За точность информации в рекламных объявлениях ответственность несет рекламодатель. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас

«Туран» первая практическая газета для выходцев из Средней Азии
Учредитель: Некоммерческая организация «Фонд помощи трудовым мигрантам из Средней Азии»
Главный редактор: Маматмуминов М. У.
Выпускающий редактор: Ирина Редькина
Журналисты: Марина Мельник, Анна Демидова, Ксения Сомова, Антон Грушин, Анна Чмерина
Дизайнер-верстальщик: Елена Завгородняя
Переводчик с русского на узбекский: Мансурбек Мирзавалиев
Переводчик с русского на таджикский: Якуб Халимов
Адрес редакции и издателя: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, БЦ «Нева». 3 эт., офис 12, Издательский дом «Сорока». Ст. м. «Пролетарская».
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06. E-mail: turangazeta@yandex.ru
Тираж газеты: 15 000 экземпляров
Отпечатано в типографии ОАО «Первая Образцовая типография, филиал «Санкт-Петербургский газетный комплекс» 198216, Ленинский пр. 139.
Заказ №1374. Газета зарегистрирована в Федеральной службе по надзору в сфере связи, информационных технологий и массовых коммуникаций, ПИ № ФС 77-57390.
Газета распространяется бесплатно.
Дата выхода в свет: по графику – 12.06.2014, фактическое – 12.06.2014
Время подписания в печать по графику – 18.00, фактическое – 18.00

«Турон» Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: «Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирларига ёрдам кўрсатиш Фонди» нотижорат ташкилоти
Бош муҳаррир: Маматмўминов М. У.
Чоп этувчи муҳаррир: Ирина Редькина
Дизайнер-ҳарф терувчи: Елена Завгородняя
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Мансурбек Мирзавалиев
Рус тилидан тожик тилига таржимон: Якуб Халимов
Таҳририят манзили: 192012, пр. Обуховской обороны, 116, «Нева» савдо маркази, 3 қават, офис 12, «Сорока» нашриёт уйи, «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 309-46-06, 309-73-06
Газета тиражи: 15 000 нусхада. ОАЖ «Первая Образцовая типография, «Санкт-Петербургский газетный комплекс» типографияси филиалида босилди. 198216, Ленинский пр. 139. Буюртма №1374.
Газета Алоқа, ахборот технологиялари ва оммавий коммуникациялар назорати Федерал хизматида рўйхатдан ўтган, ПИ № ФС 77-57390.
Газета бепул тарқатилади.
Нашрга топшириш вақти: жадвал бўйича – 12.06.2014 соат 18.00, ҳақиқий вақти – 12.06.2014 соат 18.00